



«FINANCE AUDIT» MCHJ auditorlik tasbiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon viloyati, Andijon shahri, Hovulid mahallasi 21-uy, b. 20, UYBANKU0002 8242004, TIRF 6144408 bank Andijon shahri, MFO: 00074, TSN: 01774424, fax: 034-15-46, e-mail: info@finance-audit.uz
Молия тасдиқнинг томонидан 01.04.2019 й. №00714 санаги маъмурият тасдиқи

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2023 йил 5 апрел

“Пойтуг пахта тозалаш” АЖ

Раҳбариятига

Жамиятнинг манзили ва банк реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Пойтуг шаҳри, Э Косимов кучаси, 1 уй, АТБ “Агробанк” Избосган туман булими, ИНН: 200269545, МФО № 00045, Х/р 20210000700282487001

Биз “Пойтуг пахта тозалаш” АЖ нинг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия балансидан, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бопка изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисоботлар “Пойтуг пахта тозалаш” АЖ раҳбарияти томонидан БХМС ва Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонунга асосан тайёрланган.

Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни БХМС ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонунга мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато тўғрисида қўзғалган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятига юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладап фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимида самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатидаги мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, “Пойтуғ пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил 31 декабр ҳолати учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жихатларда БХМС ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга мувофиқ тайёрланган.

МЧЖ “FINANCE AUDIT”
аудиторлик ташкилоти аудитори:



A handwritten signature in black ink, appearing to be "U. Raхmonova".

У.Рахмонова